



“OSIYO-AUDIT”

ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ
“Ўзшаробсаноат” АЖ (адресат) реквизитлари:

№ 155

Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Абай кўчаси 6-уй; СТИР-200 626 156; АТИБ “Ипотека банк”
Тошкент вилоят филиали; МФО-00408; х/р: 20 210 000 300 192 291 001 ; ОКЭД- 84111; Тел;244-12-04;
244-03-61.

“OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилоти реквизитлари:

100000, Тошкент ш. Юнусобод т., А.Темур 1-тор кўчаси 2-у, Tel: 236-11-60, 236-24-32, osiyo-audit@mail.ru,
00124-сонли 29.02.2008 йилдаги Молия Вазирлиги томонидан берилган барча хўжалик юритувчи
субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш лицензияси; 11.08.1998 йилдаги 517-сонли гувоҳнома, АТИБ
Ипотекабанк Мехнат бўлими х/р 20208000503945832001, СТИР 202629997, МФО 00423.

MChJ “OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилоти аудитори, директор - Ўзбекистон Республикаси Молия
вазирлиги томонидан 08 январь 2008 йилда берилган № 04504-сонли аудитор малака сертификати эга
Исмайилов Адилбек Матчанович.

Мен MChJ “OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилоти аудитори “Ўзшаробсаноат” АЖ нинг “Бухгалтерия
баланси”-1-шакл, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот”-2-шакл, “Пул оқимлари тўғрисидаги
ҳисобот”-4-шакл; “Ўз сармояси тўғрисидаги ҳисобот”-5-шакл; Тушунтириш хатидан иборат 2017 йил (1
январдан 31 декабргача) ҳолатидаги молиявий ҳисоботнинг ишончлилигини 03.11.2017 йилдаги 155-
шартнома асосида мажбурий аудит текширувудан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

“Ўзшаробсаноат” АЖ нинг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқ
молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

MChJ “OSIYO-AUDIT” аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига
асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз “Ўзшаробсаноат” АЖ илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувудан ўтказдик.
Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари
бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан
иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу
стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга
бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни
ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги
тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, хўжалик юритувчи субъект “Ўзшаробсаноат” АЖ нинг молиявий ҳисоботи 2017 йил
31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини
ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги
конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Директор

Аудитор

2018 йил “17” апрел



А.Исмайилов

А.Исмайилов